

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ МАКСАДЖОН НАСРУЛЛАЕВИЧ

**ДИСЛОКАЦИОН СИНДРОМ БИЛАН КЕЧУВЧИ БОШ МИЯ
СУПРАТЕНТОРИАЛ ЎСМАЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Хакимов Максаджон Насруллаевич

Дислокацион синдром билан кечувчи бош мия супратенториал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш..... 3

Хакимов Максаджон Насруллаевич

Оптимизация тактики хирургического лечения супратенториальных опухолей головного мозга с дислокационным синдромом..... 32

Hakimov Maksadjon Nasrullaevich

Optimization of surgical treatment tactics of supratentorial brain tumors with dislocation syndrome..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ МАКСАДЖОН НАСРУЛЛАЕВИЧ

**ДИСЛОКАЦИОН СИНДРОМ БИЛАН КЕЧУВЧИ БОШ МИЯ
СУПРАТЕНТОРИАЛ ЎСМАЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН
ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/Tib1292 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.neuro.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кариев Гайрат Маратович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадирбеков Равшан Турсунбекович
тиббиёт фанлари доктори

Махкамов Махкам Козимович
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.07.2023.tib.170.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-22, e-mail: admin@neuro.uz)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Хумоюн кўчаси, 40 уй..Тел./факс: (+99871) 264-96-22

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.М. Кариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.О. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Р.М. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дислокацион синдром (ДС) бош мия ўсмаларининг ўлим ва ногиронликка олиб келадиган асосий сабабларидан бири бўлиб хисобланади. Катта ёшдаги беморларда интракраниал ўсмаларнинг 80-82% ни супратенториал жойлашувга эга ўсмалар ташкил қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра “...2020 йилда бош мия ва марказий нерв тизими ўсмаларини янги ташхис этилган ҳолатлари 308 102 тани, ўлим ҳолатлари эса 251 329 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда...”¹. Бугунки кунда бош мия ўсмаларига барча онкологик патологияларни 1,3%, ўлим кўрсаткичларнинг 3,0% тўғри келади. Замонавий тиббиётнинг бош мия ўсмаларини ташхислаш ва даволашнинг кенг имкониятларига қарамай, ушбу тоифадаги беморларда дислокацион синдромни эрта босқичларда аниқлаш, даволашда жарроҳлик тактикасини танлашда муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Жаҳонда бош мия ўсмаларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилмоқда. Шу қаторда, жарроҳлик даволаш билан боғлиқ бўлган асоратларни сезиларли даражада камайтириш ва бемор ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини берувчи нейровизуализация, трактография, беморларни интраоператив уйғотиш, интраоператив мияни хариталаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Ўсмани генетик ва молекуляр хусусиятларига қараб даволаш усуллари оптималлаштирилмоқда. Шу билан бирга, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ташхислаш ва даволаш усуллари ривожланишига қарамай, амалиётда дислокацион синдром сабабли беморларни шифохоналарга оғир, суб- ва декомпенсация босқичларида ётқизилиши ва ушбу беморларда ўсмалар биринчи маротаба ташхисланиши ҳолатлари кўп учрамоқда. Дислокацион синдромни бартараф этишнинг асосий усули жарроҳлик бўлиши сабабли, даволашнинг жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда нейрохирургия хизматини такомиллаштириш, жумладан, беморларда бош мия ўсмаларини эрта ташхислаш, даволаш, ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш мақсадида ҳудудлараро марказлар ташкил этилмоқда, етакчи мутахассисларни ҳудудларга чиқиши, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Хизматга “...онкологик патологиядан тўсатдан ўлим кўрсаткичларини 30% га камайтириш...”² каби вазифалар юкланган. Шу

¹ WHO. World health statistics, 2020; WHO. IARC. GCO: Brain, central nervous system cancer incidence and mortality statistics worldwide, 2020

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сон Қарори.

нуқтаи назардан, дислокацион синдром билан кечувчи бош мия ўсмаларини ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш натижаларини яхшилаш, жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дислокацион синдром муаммоси бутун дунёда кенг ўрганилмоқда. Ўсмалардан ташқари дислокацион синдромни кўпинча бош мия жароҳатлари ва мия қон айланиши бузилишлари келтириб чиқаради ва бу тўғрисида катта миқдордаги маълумотлар тўпланган.

Хозирда ташхислаш, нейровизуализация ва интракраниал босимни ўлчаш усуллари ривожланиши ва кенг қўлланилиши билан бир қаторда дислокацион синдром муаммоси асосан “ўткир” патологияларда (жароҳатлар ва қон айланиши бузилишлар) ўрганилган. Клиник манзара ва компьютер томографияси маълумотлари асосида алгоритмлар, клиник тавсиялар, даволаш тактикаси учун кўрсатмалар ишлаб чиқилган (Крылов В.В., Дашьян В.Г., 2021). Эрта ташхис қўйиш имкониятларига қарамай, бугунги кунда амалиётда дислокацион синдром ривожланиши кўп ҳолларда бош мия ўсмаларида ҳам кузатилиши исботланган (Vella M.A., Kornbluth J. 2021).

Дислокацион синдромни патогенези, турлари, дислокация босқичлари, клиник кўринишлари адабиётларда кенг тасвирланган (Дзенис Ю.Л., Munakomi S. 2020). Ўсмаларда дислокация жараёнлари босқичли кечиши ва латерал ёки аксиал турига қараб фарқланувчи клиник манзарага эга бўлиши исботланган (Fisher C.M., DeAngelis L.M. 2001). Кейинги йилларда бу борада бош мия ўсмаларини ташхислаш ва даволаш муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, хавфли ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволаш (Кариев М.Х., 2004), ҳаёт учун муҳим бўлган марказлар шикастланишини прогнозлаш (Чепкий Л.П., Педаченко Е.Г.,

2001), мия эзилиш белгиларини аниқлаш (Strain G.M., 2006), компрессияда мия дислокациясини башорат қилиш (Рабинович С.С., 2011), ўчоқли ўзгаришларда клиник манзарани дислокацион синдром натижаларига таъсир этишини баҳолаш (Кадыров Р.М., Мамытов М.М., 2012), ўсмаларда мия қон айланишини бўзилиши (Рузикулов М.М., 2014), мия дислокациясида интракраниал захира бўшлиқларини баҳолаш (Щедренко В.В., 2014), кистоз менингиомаларда ўткир дислокацион синдромни ташхислаш ва жарроҳлик йўл билан даволаш (Лун Ц., 2019), интракраниал босимни ноинвазив ўлчаш усуллари (Kienzler J.C., Schwyzer L., 2020), юқори интракраниал босимда декомпрессив краниоэктомия (Нақ I.B., Ohata K. 2021), декомпенсация босқичида жарроҳлик даволаш (Джинджихатде Р.С., 2023) самаралари аниқланган.

Дунёда дислокацион синдром билан кечувчи патологияларни ташхислаш ва даволашга қаратилган кўплаб илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу патологияни даволашнинг асосий ва самарали усули жарроҳлик эканлиги исботланган. Халқаро ва миллий стандартларда ўсмани тотал, субтотал, қисман олиб ташлаш ва паллиатив декомпрессив операциялар ўтказиш тавсия этилган. Бироқ, супратенториал бош мия ўсмаларида ушбу синдром кузатилган ҳолатларда жарроҳлик аралашув ҳажми ва вақтини, яъни оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш масалалари очиклигича қолмоқда. Ўсмаларда дислокацион синдромни латерал ва аксиал турлари клиник манзаралари хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда юқори ахборот технологиялари ва компьютер дастурий таъминоти ёрдамида ташхислаш ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш алгоритми ва объектив меъзонларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг 01.2000.270 “Бош мия касалликларини профилактикаси, ташхислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмаларини бемор ҳолати оғирлигига қараб жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

супратенториал бош мия ўсмалари бўлган беморларда дислокацион синдромни латерал ва аксиал турига қараб неврологик намоён бўлиши оғирлик даражасини аниқлаш;

компьютер томографияси маълумотлари асосида интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатини баҳоловчи ва дислокация турини фарқлаш имконини берувчи дислокацион синдромни ташхислаш усулини ишлаб чиқиш;

клиник ва компьютер-томографик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда дислокацион синдром босқичини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

дислокацион синдром босқичига қараб оптимал жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида клиник ва компьютер томографик белгилари мавжуд супратенториал бош мия ўсмалари бўлган 95 нафар бемор танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмалари билан хасталанган беморлар ҳолатини комплекс клиник, неврологик, нейровизуализацион ташхислаш ва жарроҳлик даволаш мақомини мажмуи баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, клиник - неврологик, инструментал, нейровизуализацион (компьютер-томографик), статистик усуллар ишлатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмаларида хуш бузилиши даражаси ва интракраниал захира бўшлиқлар ҳолати ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик ($p=0,001$) исботланган;

дислокация турини дифференциал ташхислаш учун компьютер-томографик мезонлар (субарахноидал бўшлиқлар, мия ўрта структуралари силжиши ва цистерналар ҳажми) аниқланган;

дислокация босқичини баҳолаш учун аксиал ва летарал турига қараб балли миқдорий шкала афзаллиги исботланган;

жарроҳлик тактикасини танлашда комплекс ёндашув (дислокацион синдром босқичи ва интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатини баҳолаш) асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

супратенториал бош мия ўсмаларида дислокацион синдром босқичини аниқлашда етакчи клиник симптомлар ва нейровизуализацион маркерлар объектив баҳолаш учун тавсия этилган;

интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатини баҳолаш ва дислокация турини дифференциация қилиш учун дислокацион синдромни ташхислаш усули тавсия этилган;

дислокацион синдром босқичини аниқлаш шкаласи клиник симптомларни баҳолашга дифференциациялашган ёндашув ишлаб чиқилган;

жарроҳлик аралашуви ҳажмини ва вақтини аниқлаш учун клиник-неврологик, компьютер-томографик мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив, клиник, неврологик, ташхислаш (мультиплейсли компьютер томографияси, магнит-резонансли томография) маълумотлари ва уларнинг статистик таҳлили билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмаларида математик моделлаштириш дислокация босқичини аниқлашга имконият яратиб, операциядан олдинги босқичда мультимодал баённомани жарроҳлик амалиётида қўллаш орқали олинган маълумотлар оптимал жарроҳлик тактикасини танлашда имкон яратганлиги ҳамда ўлим кўрсаткичлари ва асоратларни камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дислокацион синдромни ташхислаш усули, босқичини баҳолаш шкаласи ва оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш алгоритми беморларда жарроҳлик аралашуви хажми ва вақтини танловига индивидуал ёндашувни топиш имконини беради ва ўлим кўрсаткичи камайганлиги, неврологик етишмовчиликни тикланиш муддатлари қисқарганлиги, жарроҳлик амалиёт самарадорлигини оширганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 9 мартдаги 4-сонли ва ч/р 02-6/164-сонли хулосасига биноан:

биринчи илмий янгилик: илк бор дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмаларида эс-хуш бузилиши даражаси ва интракраниал захира бўшлиқлар ҳолати ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик ($p=0,001$) исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* аниқланган боғлиқликка асосланиб операция вақти интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатига қараб танланган. Кичик захира бўшлиқлари ҳолатида шошилишч операциялар, ўрта захира бўшлиқлари ҳолатида – тезкор, катта захира бўшлиқлари ҳолатида – кечиктирилган операциялар ўтказилган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* Республика шошилишч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига 2023 йил 19 июлдаги 115-сонли буйруқ, ҳамда Республика шошилишч тез тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалига 2023 йил 21 июлдаги 159/2-сонли буйруқ билан нейрохирургия бўлимлари фаолиятига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши операция вақтини объектив танлаш имконини бериб, дислокацион синдромни бош мия тикилиши ва қисилиши фазалари билан боғлиқ асоратларни, неврологик дефицитни ривожланиб боришини ва ўлим кўрсаткичларини камайишига олиб келди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: операцияни ўз вақтида бажарилиши - давомий реабилитация, ўпка сунъий апаратыни узок муддат давомида ишлатиш, дори-дармон билан таъминлаш ва ногиронлик юзасидан доимий ижтимоий таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтирди. *Хулоса:* эс-хуш бузилиши даражаси ва интракраниал захира бўшлиқлари ҳолати ўртасида аниқланган бевосита боғлиқлик оптимал операция вақтини

танлашга имконият яратади, дислокацион синдромнинг бош мия тиқилиши ва қисилиши фазалари билан боғлиқ асоратларни ва асорат билан боғлиқ сарф харажатларни камайтиради.

Хакимов Максаджон Насруллаевичнинг “**Дислокацион синдром билан кечувчи бош мия супратенториал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш**” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 сентябрдаги б1-19/х-сонли хати юборилган.

иккинчи илмий янгилик: дислокация турини дифференциал ташхислаш учун компьютер-томографик мезонлар (субарахноидал бўшлиқлар, мия ўрта структуралари силжиши ва цистерналар хажми) аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* аниқланган мезонлар асосида бош мия супратенториал ўсмаларида дислокацион синдромни ташхислаш усули ишлаб чиқилган (№FAP 02370 28.11.2023 й.). *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига 2023 йил 19 июлдаги 115-сонли буйруқ, ҳамда Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалига 2023 йил 21 июлдаги 159/2-сонли буйруқ билан нейрохирургия бўлимлари фаолиятига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: усул 46 нафар беморда жуда яхши ишончлийлик кўрсаткичи (Альфа Кронбаха = 0,905) билан дислокация турини таққослаш ва интракраниал бўшлиқларни ҳолатини баҳолаш имконини яратди. Улардан 21 нафар (45,7%) беморда минимал захира бўшлиқлари аниқланиб ўз вақтида шошилич операция амалга оширилди ва шифохонадан чиқарилиш вақтига неврологик асоратларни, ногиронликни 15,1%га камайтирди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* анъанавий ва ишлаб чиқилган усулларни харажат тафовути ҳисобланган ҳолда бир шифохона кесимида ўртача 6 460 000 сўмни ташкил этди. *Хулоса:* аниқланган компьютер-томографик мезонлар асосида ташхислаш усули ишлаб чиқилди ва ушбу усул ёрдамида ҳар бир ҳолатга дифференциациялашган объектив ёндашув таъминланди, ташхислаш жараёни соддалаштирилди, иқтисодий самарадорликка эришилди.

Хакимов Максаджон Насруллаевичнинг “**Дислокацион синдром билан кечувчи бош мия супратенториал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш**” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 сентябрдаги б1-19/х-сонли хати юборилган.

учинчи илмий янгилик: дислокация босқичини баҳолаш учун аксиал ва латерал турига қараб балли миқдорий шкала афзаллиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* дислокацияни аксиал ва латерал турлари клиник кечиши фарқланиши ва бемор ҳолати оғирлик даражасини ақс этувчи бир хилдаги симптомлар эс-хушнинг турли даражасида кузатилиши сабабли, дислокация тури, эс-хуш бузилиши даражаси, кўз қорачиғлари ўлчами, фотореакция, кўз олмаси ҳаракатлари, ҳаракат тизими, нафас, пульс, артериал босим каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда таклиф этилган балли миқдорий шкала дислокация предикторларини дифференциал баҳолаш имконини яратган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига 2023 йил 19 июлдаги 115-сонли буйруқ, ҳамда Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалига 2023 йил 21 июлдаги 159/2-сонли буйруқ билан нейрохирургия бўлимлари фаолиятига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* балли миқдорий шкала $91,7 \pm 5,4\%$ прогнозлаш имконияти ($93,5 \pm 3,6\%$ сезувчанлик, $92,4 \pm 5,7\%$ ўзига хослик) билан оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш имконини берди ва беморлар ҳаёт сифатини, неврологик дефицитни уч ойлик катамнезда $14,2\%$ га камайтирди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагидан иборат: неврологик дефицитни камайиши реабилитацион тадбирлар ва дори-дармон таъминотига қаратилган харажатларни камайтирди. *Хулоса:* дислокация босқичини балли миқдорий баҳолаш шкаласи неврологик предикторларни дифференциал баҳолаб, оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик хавфини камайтириш имконини яратади.

Ҳакимов Мақсаджон Насруллаевичнинг “**Дислокацион синдром билан кечувчи бош мия супратенториал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш**” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 сентябрдаги 61-19/х-сонли хати юборилган.

тўртинчи илмий янгилик: жарроҳлик тактикасини танлашда комплекс ёндашув (дислокацион синдром босқичи ва интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатини баҳолаш) асосланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* клиник ва компьютер-томографик маълумотларни комплекс баҳолаш ёндашуви асосида оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Дислокациянинг адаптациялашган босқичида ўсмани тотал/субтотал олиш

операцияси; адаптациялашмаган компенсацияли босқичида – ўсмани тотал/субтотал олиш ва кўшимча ташқи декомпрессиясини бажариш; субкомпенсация босқичида – ўсмани қисман олиш/кистоз қисмини пункция қилиш; декомпенсация босқичида – фақат ташқи декомпрессия бажариш амалга оширилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалига 2023 йил 19 июлдаги 115-сонли буйруқ, ҳамда Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалига 2023 йил 21 июлдаги 159/2-сонли буйруқ билан нейрохирургия бўлимлари фаолиятига тадбиқ этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилган комплекс баҳолаш ва алгоритмни қўллаш орқали даволаш натижалари ўртача кўрсаткичларини Карновский шкаласи бўйича шифохонадан чиқарув вақтига 6,06%га, уч ойлик катамнезда 12,26%га яхшиланди, шифохона ўлим кўрсаткичларини 3,9%га камайтирилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши узоқ давом этувчи реабилитация, касаллик асоратларини стационар ва амбулатор даволаш харажатларини камайтириш имконини яратди. *Хулоса:* жарроҳлик даволаш тактикасини танлашда дислокация босқичи ва интракраниал захира бўшлиқлари ҳолатини комплекс баҳолаш ёндашуви даволаш натижаларини яхшилайти ва ўлим кўрсаткичларини камайтиради.

Ҳакимов Максаджон Насруллаевичнинг “**Дислокацион синдром билан кечувчи бош мия супратенториал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини оптималлаштириш**” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 сентябрдаги 61-19/х-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, улардан 2 та халқаро ва 4 та Республика миқёсида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари жами 28 та илмий ишларда чоп этилган, Олий аттестация комиссияси чоп этишга тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, шулардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва кўлами. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 та бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ривожланаётган тиббиёт талабларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети шаклланди. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Нашр этилган ишлар бўйича тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлашга жорий этилганлиги ва диссертация тузилишига доир маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг **“Супратенториал бош мия ўсмаларида дислокацион синдром ривожланиши, клиник кўриниши, ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган бўлиб, бунда дислокацион синдром муаммосининг ҳозирги ҳолати ва турли тадқиқотчиларнинг қарашлари ақс этирилган. Супратенториал бош мия ўсмаларида дислокацион синдромнинг патогенези, турлари, клиник кўриниши, ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари ўрганилган. Ҳозирги вақтда ташхисотдаги муаммолар аниқланган. Даволашда асоратлар, ўлим ва ногиронликни олдини олиш учун жарроҳлик тактикасини танлашнинг мураккаблиги билан боғлиқ асосий муаммолар таъкидланган. Бу муаммоларни ҳал этишни истиқболли йўллари, жумладан, самаралироқ усулларни ишлаб чиқиш белгилар берилган.

Диссертациясининг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган усуллар ва услубий ёндашувлар келтирилган.

Республика шошилини тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида (РШТЎИМАФ) 2016 йил январ ойидан – 2021 йил декабр ойигача бўлган даврда “Бош мия хажмли хосила билан эзилиши” ташхиси билан даволанаётган беморларнинг умумий сонидан 95 нафар бемор танлаб олинган. Танлов мезонлари қуйидагилар бўлган:

1. Ўсманинг супратенториал локализацияси.
2. Дислокацион синдромнинг компьютер-томографик ва клиник белгилари мавжудлиги.
3. Амалга оширилган жарроҳлик даволаш тактикаси.
4. Бирламчи неврологик белгиларнинг сабаблари бўлиши мумкин бўлган хамроҳ патологиянинг ўқлиги (бош мия қон айланиши бузилишини асоратлари, кўз олмаси патологияси, нейропатия ва бошқалар).

Беморлар икки гуруҳга бўлинган. Назорат гуруҳига 2016-2018 йилларда даволанган 49 нафар бемор киритилган. Ушбу гуруҳдаги беморларда клиник, неврологик, компьютер-томографик ва даволаш натижалари, ҳамда профил адабиётларни ўрганиш асосида ташхислаш усули, дислокация босқичини баҳолаш шкаласи ва жарроҳлик даволашнинг оптимал тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу ишланмалар 2019-2021 йилларда даволанган 46 нафар беморларда қўлланилган, улар асосий гуруҳни ташкил этган. Иккала гуруҳ бемолари ёши, умумий аҳволи, ўсма морфологияси, ёмон сифатлик даражаси, локализацияси, ҳажми, дислокация фазалари бўйича бир-бирига таққослаш учун мос бўлган. Даволаш натижалари 3 ойлик катамнезда кенг қўлланивчи, исботли усуллар ёрдамида баҳоланган. Жумладан, беморлар умумий ҳолати Карновски индекси (Karnofsky performance index), неврологик етишмовчилик Нейроонкологияда неврологик баҳолаш шкаласи (The neurologic assessment in neuro-oncology, NANO), омон қолиш таҳлили Каплан-Мейер усули бўйича баҳоланган.

Учинчи бобда **"Супратенториал бош мия ўсмаларида дислокацион синдромни ташхислаш"** назорат гуруҳидаги беморларда дислокацион синдромни клиник кечишини ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Энг кўп учрайдиган белгилар ҳуш бузилиши, тутқаноқ, кўз олмасини ҳаракатлантирувчи нервлар функциясидаги бузилишлар, ҳаракат тизимидаги бузилишлар эканлиги аниқланган. Ҳуш бузилиши сабабли невростатусда бошқа кўрсаткичлардаги ўзгаришларни аниқлаш қийинчилик туғдирган.




1-расм. Назорат гуруҳидаги беморларни клиник кўриги натижалари.

Спирмен корреляция коэффиценти ёрдамида баҳоланган хушни бузилиш даражаси ва ўсимта ҳажми катталиги корреляция статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлди ($p = 0,559$). Корреляция коэффиценти $r_{xy} = 0,085$ – Чаддок шкаласи бўйича деярли ҳеч қандай алоқа аниқланмаган.

1-жадвал

Хуш бузилиши даражасини ўсма ҳажми билан корреляцияси

			Хуш	Ҳажм
Ро Спирман	Хуш	Корреляция коэффиценти	1,000	-,085
		Қиймат. (2-томонлама)	.	,559
		N	49	49
	Ҳажм	Корреляция коэффиценти	-,085	1,000
		Қиймат. (2-томонлама)	,559	.
		N	49	49



2-расм. Хуш бузилиши даражаси билан ўсма ҳажми корреляцияси.


Хуш бузилиш даражаси ўсма ҳажмига боғлиқ бўлмаган, кома ёки карахтлик ҳолати барча кичик, ўрта ва катта ҳажмли ўсмаларда кузатилган.

Спирмен корреляция коэффиценти ёрдамида баҳоланган хушни бузилиш даражаси ва мия ўрта структуралари силжиши даражаси ўртасида ҳам корреляция статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлди ($p = 0,364$). Корреляция коэффиценти $r_{xy}=0,133$ – Чаддок шкаласи бўйича аввалги ҳолатда деярли ҳеч қандай алоқа аниқланмаган бўлса бунда алоқа заиф бўлган.

2-жадвал

Хуш бузилиши даражасини мия ўрта структуралари силжиши даражаси билан корреляцияси

			Хуш	Мия ўрта структуралари силжиши
Ро Спирман	Хуш	Корреляция коэффиценти	1,000	-,133
		Қиймат. (2-томонлама)	.	,364
		N	49	49
	Мия ўрта структуралари силжиши	Корреляция коэффиценти	-,133	1,000
		Қиймат. (2-томонлама)	,364	.
		N	49	49



3-расм. Хуш бузилиши даражаси билан мия ўрта структураси корреляцияси.

Хуш бузилишининг барча даражалари мия ўрта структуралари ҳам бироз, ҳам яққол силжишида кузатилди. Бу ҳолатда корреляциянинг аҳамиятли боғлиқлиги йўқлиги ўсмаларда аксиал дислокация турининг кўп учраши билан изоҳланади.


Аҳамиятли алоқа Спирмен корреляция коэффиенти ёрдамида хушни бузилиш даражаси ва ишлаб чиқилган таххислаш усули ёрдамида баҳоланган интракарниал захира бўшлиқлар ҳолати билан аниқланди ($p = 0,001$). Корреляция коэффиенти $r_{xy}=0,548$ – Чаддок шкаласи бўйича сезиларли алоқа аниқланган .

3-жадвал

Хуш бузилиш даражасини интракраниал бўшлиқлар ҳолати билан корреляцияси

			Хуш	Интракраниал бўшлиқлар ҳолати
Ро Спирман	Хуш	Корреляция коэффиенти	1,000	-,548**
		Қиймат. (2-томонлама)	.	,000
		N	49	49
	Интракраниал бўшлиқлар ҳолати	Корреляция коэффиенти	-,548**	1,000
		Қиймат. (2-томонлама)	,000	.
		N	49	49

** . Корреляция аҳамиятли 0,01 даражада (икки томонлама).




4-расм. Ҳуш бузилиш даражаси билан интракраниал захира бўшлиқлар ҳолати корреляцияси

Ишлаб чиқилган усул ёрдамида компьютер томографияда интракраниал захира бўшлиқлари камайиб бориши сари ҳуш бузилиш даражаси ва жадаллиги ортиб борган.


Усул қуйидагича амалга оширилган.

Аксиал кесмаларда мия катта яримшарлари субарахноидал бўшлиқлари ва эгатлари ҳолати (САП) баҳоланган. Иккала мия яримшарларида (+/+) ушбу бўшлиқлар визуализация қилинган ҳолатларда – 3 қиймат берилган, яъни САП=3 (5-расм).




5-расм. Аксиал кесмаларда иккила мия катта яримшарлари субарахноидал бўшлиқлари ва эгатлари визуализацияси (+/+, САП=3).

Ўсма томонда бўшлиқлар визуализация қилиш имкони бўлмаган, бироқ қарама қарши яримшарларда имконият мавжуд бўлган ҳолатларда (-/+) – 2 қиймат берилган, яъни САП=2 (6-расм).




6-расм. Аксиал кесмаларда ўсма томонда субарахноидал бўшлиқлар ва эгатлар визуализация қилинмайди, қарама-қарши томонда қилинади (-/+, САП=2).

Иккала мия катта яримшарларда субарахноидал бўшлиқлар, эгатлар визуализация қилинмаган ҳолатларда (-/-) – 1 қиймат берилган, яъни САП=1 (7-расм).




7-расм. Аксиал кесмаларда иккала мия яримшарларида субарахноидал бўшлиқлар ва эгатлар визуализация қилинмайди (-/-, САП=1).

Сўнг аксиал кесмаларда шаффоф тўсиқ соҳасида мия ўрта структураларини силжиши (СС) баҳоланган, 7 мм.дан камроқ силжиган ҳолатларда – 10 қиймат (СС=10), 7 мм.дан кўпроқ силжиган ҳолатларда – 100 қиймат (СС=100) берилган (8-расм).



8-расм. Аксиал кесмада мия ўрта структуралар 7 мм.дан кўпроқ силжиши, (СС =100).

Аксиал кесмаларда юқори иккитепалик соҳасида миллиметрларда айланма цистерналар (ОЦ) кенглигини умумий қиймати ўлчанган (9-расм).



9-расм. Аксиал кесмада юқори иккитепалик соҳасида айланма цистерналар кенглиги.

(Бу ҳолатда кенгликнинг умумий қиймати 8,47 мм (ўнгда 4,54 мм, чапда 3,93 мм) ни, яъни ОЦ=8,47 ни ташкил этган).

Сўнг ўрта сагиттал кесмада кўприк цистернасини (МЦ) кенглиги унинг ўртасидан миллиметрда ўлчанган (10-расм).



10-расм. Ўрта сагиттал кесмада кўприк цистернасини кенглиги.
(Бу ҳолатда 5,3 мм, яъни МЦ=5,3).

Ўрта сагиттал кесмада McRae чизиғи (basion дан opisthion гача тортилган чизиқ) билан ажратилган катта цистернани (БЦ) юқори қисми узунлиги миллиметрда ўлчанган (11-расм).



11-расм. Ўрта сагиттал кесмада McRae чизиғи билан ажратилган катта цистернани (БЦ) юқори қисми узунлиги.
(Бу ҳолатда узунлик 2,94 мм.га тенг, яъни БЦ=2,94 мм).

Юқорида кўрсатиб ўтилган цистерналарни визуализация қилиш имконияти бўлмаган ҳолатда 0 қиймати қўйилган. Олинган маълумотлар бўйича мия дислокация коэффиценти (КДМ) қуйидаги формула ёрдамида ўлчанган:

$$\text{КДМ} = \text{САП} \times \text{СС} + \text{ОЦ} + \text{МЦ} + \text{БЦ}$$

бунда КДМ – мия дислокацияси коэффиценти, шартли бирлик,

САП – мия катта яримшарлари субарахноидал бўшлиқлари ва эгатлари холати, шартли бирлик,

СС – мия ўрта структуралари силжиши, шартли бирлик,

ОЦ – юқори иккитепалик соҳасида айланма цистерналар кенглигини, мм,

МЦ – кўприк цистернасини кенглиги, мм,

БЦ – McRae чизиғи билан ажратилган катта цистернани юқори қисми узунлиги, мм;

КДМ 10 дан 20,9 гача бўлган қийматда минимал интракраниал захира бўшлиқлари билан аксиал дислокацион синдром ташхисланган. 21 дан 30,9 гача бўлган қийматда ўрта интракраниал захира бўшлиқлари билан аксиал дислокацион синдром, 31 дан 40,9 қийматда катта интракраниал захира бўшлиқлари билан аксиал дислокацион синдром ташхисланган. КДМ 100 дан 209 гача бўлган қийматда минимал, 210 дан 309 гача ўрта, 310 дан юқори қийматда катта захира бўшлиқлари билан латерал дислокацион синдром ташхисланган. 41 дан 99,9 гача бўлган қийматда дислокацион синдром инкор қилинган.

Ушбу ташхислаш усули дислокацион синдромда интракраниал захира бўшлиқларини баҳолаш усули (Щедренок В.В. ва бошқлар) билан яхши ишончлик қиймат Альфа Кронбах = 0,905 га эга бўлган.

4-жадвал

Ишончлик статистикаси

Альфа Кронбах	Стандартлашган элементлар асосида Альфа Кронбахи	N элементлар
,905	,908	2


5-жадвал

Элементлараро корреляцион матрица

	Интракраниал захира бўшлиқларини баҳолаш усули	Дислокацион синдромни ташхислаш усули
Интракраниал захира бўшлиқларини баҳолаш усули	1,000	,831
Дислокацион синдромни ташхислаш усули	,831	1,000

Назорат гуруҳидаги клиник материаллар ва ихтисослаштирилган адабиётлар таҳлили асосида биз дислокация синдроми босқичини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқдик. Шкала белгиларнинг нуқтавий баҳоси бўлиб, дислокация йўналишини, интракраниал захира бўшлиғини ва дислокациянинг тез-тез аниқланган белгиларини ҳисобга олган.

Асосий гуруҳдаги беморларни тавсия этилган шкала бўйича текшириш натижалари қуйидаги диаграммада келтирилган.



12-расм. Асосий гуруҳдаги беморларни дислокацион синдром босқичини баҳолаш.

43,5% бемор адаптационная, 32,6% компенсация билан адаптационная, 17,4% субкомпенсация, 6,5% декомпенсация босқичда эканлиги аниқланган. Ушбу шкаланинг сезувчанлиги $93,5 \pm 3,6\%$, хослиги $92,4 \pm 5,7\%$, башоратлаш самари $91,7 \pm 5,4\%$ эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи “Дислокацион синдром билан кечувчи супратенториал бош мия ўсмаларида жарроҳлик даволаш тактикаси” деб номланган бобида назорат ва асосий гуруҳдаги беморларнинг даволаш натижалари келтирилган. Ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ ўсмани тотал, субтотал, қисман олиш ва декомпрессив операциялар ўтказилинган. Операция вақти бўйича шошилиш, тезкор ва кечиктирилган амалиётлар ўтказилинган. Асосий гуруҳдаги беморлар даволаш тактикаси ишлаб чиқилган алгоритм бўйича амалга оширилган. Натижалар уч ойлик катамнезда ўрганилинган, сабаби, ундан кўп бўлган вақтда ўсманинг биологик хусусиятлари сабабли натижалар ўзгариб бориши бўлган. Омон қолиш Каплан-Мейер усули, умумий ҳолат ва ҳаёт сифат даражаси Карновски индекси, неврологик дефицит NANO шкаласи бўйича баҳоланган.

Карновски индекси бўйича натижалар қуйидаги жадвал ва диаграммаларда келтирилган.

6-жадвал

Жуфт танловлар статистикаси (назорат гуруҳи)

		Ўрта- ча қий- мат	N	Стан- дарт чекла- ниш	Ўртақв. хато	Корре- ляция	Қиймат.
1 жуфт	Ўткизилган- даги Карновски индекси	27,76	49	7,710	1,101	,471	,001
	Чиқарилгандаг и Карновски индекси	35,51	49	12,087	1,727		
2 жуфт	Ўткизилган- даги Карновски индекси	27,76	49	7,710	1,101		
	3 ойдан сўнг Карновски индекси	42,24	49	22,478	3,211	,438	,002

7-жадвал

Жуфт танловлар мезонлари (назорат гуруҳи)

		Жуфт тафовут			
		Тафовут 95% ишончлик интервали			
		Пастки	Юқори		
1 жуфт	Ўткизилгандаги Карновски индекси – Чиқарилгандаги Карновски индекси	-10,872	-4,638	-5,002	48
2 жуфт	Ўткизилгандаги Карновски индекси – 3 ойдан сўнг Карновски индекси.	-20,325	-8,654	-4,992	48

Назорат гуруҳида бемор ўткизилгандаги ($M \pm s = 27,76 \pm 5,002$), чиқарилгандаги ($M \pm s = 35,51 \pm 5,002$) ва 3 ойдан сўнги ($M \pm s = 42,24 \pm 4,992$) Карновски индекси ишончли тафовут аниқланди ($p = 0,001$). Натижаларнинг

ўрта қиймати бемор чиқарилганда $7,75 \pm 5,002\%$, 3 ойдан сўнг $14,48 \pm 4,992\%$ га ошган.

3 (6,1%) нафар беморда ўлим холати шифохонада кўзатилган, 3 ойлик катамнезда бу кўрсаткич 6 (12,2%) нафар беморга ошган.


Каплан-Мейер бўйича омон қолиш таҳлили қуйидаги жадвал ва диаграммаларда келтирилган:

8-жадвал

Омонлик жадвали (назорат гуруҳ)

	Вақт	Холат	Маълум вақтда омон қолганлар тўплами		N кумулятив ҳодиса	Қолган назоратлар сони
			Баҳо	Стандарт хато		
1	4,000	1	,875	,117	1	7
2	6,000	1	,750	,153	2	6
3	17,000	1	,625	,171	3	5
4	37,000	1	,500	,177	4	4
5	57,000	1	,375	,171	5	3
6	58,000	1	,250	,153	6	2
7	72,000	1	,125	,117	7	1
8	83,000	1	,000	,000	8	0

Омонлик функцияси



13-расм. Назорат гуруҳидаги беморларда омон қолиш функцияси.

Каплан-Мейер усули бўйича ўтказилган таҳлил назорат гуруҳда вафот этиш муддати медианаси 37 кун (ИИ: 0,0-92,4 кун), вафот этиш ўртача вақти 41,75 кун (ИИ: 20,7-62,8 кун) эканлигини кўрсатди.

Омон қолган беморларда NANO шкаласи бўйича натижалар қуйидаги жадвалларда келтирилган:

9-жадвал

Чиқарув вақтига NANO шкаласи бўйича натижа (назорат гуруҳи)

		Частота	Фоизлар	Мумкин-ликлар фоизи	Тўпланган фоиз
Мумкинлик	неврологик дефицит прогрессияси	1	2,0	2,2	2,2
	неврологик дефицита турғун	30	61,2	65,2	67,4
	неврологик дефицит регрессияси	15	30,6	32,6	100,0
	Жами	46	93,9	100,0	
Ўтказиб юборилган	0	3	6,1		
Жами		49	100,0		


10-жадвал

3 ойдан сўнг NANO шкаласи бўйича натижа (назорат гуруҳи)

		Частота	Фоизлар	Мумкин-ликлар фоизи	Тўпланган фоиз
Мумкинлик	неврологик дефицит прогрессияси	4	8,2	9,8	9,8
	неврологик дефицита турғун	12	24,5	29,3	39,0
	неврологик дефицит регрессияси	25	51,0	61,0	100,0
	Жами	41	83,7	100,0	
